23 ОКТ 1987

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 240 (6. 431) 1987 йил 23 октябрь, жума Баҳоси 3 тийин

1917 1987

## Буюртма бажарилди

«Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси республикамиз трикотажчилари ва тикувчиларини техник лента-лар ва резина билан таъминлайдиган ягона корхонадир.

Ҳозир бирлашма йилига 36 миллион 860 минг метр резина ишлаб чиқараяпти. Бу маҳсулотнинг 29 миллион метри республика саноат эҳтиёжи учун ишлатиладн. Қолгани савдо тармоқларига чиқарилаяпти.

Коллектив Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақанн кенг қулоч ёйдириб меҳнат қилмоқда. Бу мусобақада бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини тадалаш ташаббуси билан чиққан Б. Маннопов, С. Саидов, Г. Арцебасова ва Л. Серёжкина сингари ишчилар пешқадамлик қилишаяпти. Бу ерда ҳар куни белгиланганидан ортиқ сифатли ленталар ва резиналар тайёрланиб, буюртмачиларга жўнатилаяпти.

## Доришунослар ҳиммати

Бугун

Тошкент химия-фармацевтика заводи турли адресларга юбораётган контейнерлардан бирига қуйидаги адрес ёзилган: Нукус шаҳри, республика дорихоналар базаси.

Инсон саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган корхонанинг иккинчи участка ишчилари байрамолди меҳнат вахтасида турибзарбдорчасига меҳнат қилмоқдалар.

Кунлик ва ойлик топшириқларини ошириб адо этаётган доришунослар буюртмаларни ҳам ўз вақтида эгаларига юборишмоқда.

Яқинда коллектив Қорақалпогистон АССРга 25,0 граммли 1000 дона цинковая пастадан, 3 процентлик 3 минг дона эфедрин, 5180 дона глицерин, 9530 дона бориий спирт, 10 процентли 3 минг дона ихтиоловий мазь, 6 минг 845 минг сўмлик ҳар хил катталикдаги бинтлар юборилди.

Бу ерда бинт тайёрлаш цехида Бувинисо Маннопова етакчилик қилаётган бригада аъзолари бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Бу коллектив ўров потогида докадан бинт тайёрлашади.

Бригада кунлик нормасини 130 процент бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқда. Бир сменада турли размерда 7 миллионга яқин бинт тайёрладн, Т. Давлетова, Г. Маҳкамова, Г. Одилова, Г. Ҳакимова сингари илғорлар кунлик нормасини ошириб бажариш билан бир йўла жамоат ишларида ҳам актив қатнашмоқда.

## Илмий сессия

Бугун

Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Бутуниттифоқ Шарқшунослар уюшмасининг Ўзбекистон бўлими «Улуғ Октябрь инқилоби ва Ўзбекистонда шарқшунослик фанининг тараққиёти» мавзуида илмий конференция ўтказди.

Улуғ Октябрининг 70 йиллигига бағишланган бу анжуманни Шарқшунослик институти директори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси М. Хайруллаев кириш сўзи билан очди.

Конференцияда Ўзбекистонда шарқшунослик фанининг ташкил топиши, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети шарқ факультетининг мутахассислар тайёрлашдаги аҳамияти, ўзбек шарқшунос олимларининг араб, форс, ҳинд, эфиоп, халқларининг тарихи ва маданиятини ўрганишда эришган ютуқлари ва бошқа қатор мавзуларда докладлар тингланди.

# УЛУҒ ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА



СССР МЕҲНАТКАШЛАРИ! ЭКОНОМИКАНИ БОШҚАРИШНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШДА ФАОЛ ҚАТНАШИНГИЗ! ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРНИ ЭГАЛЛАНГИЗ, ХЎЖАЛИҚ ЮРИТИШНИНГ ЯНГИ МЕТОДЛАРИНИ, ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРНИ, МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ ПРОГРЕССИВ ФОРМАЛАРИНИ, ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ ВА ЎЗ-ЎЗИНИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ДАДИЛ ЖОРИЙ ЭТИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитети Чақириқларидан).

## БИЗНИНГ СПРАВКА

⊙ Шаҳарнинг Собир Раҳимов районн 1970 йилда Октябрь ва Киров районлари ҳамда Тошкент областининг Калинин районн территориясидан олинган жойлар ҳисобига ташкил этилган. У Улуғ Ватан урушининг жасур қаҳрамони генерал-майор Собир Раҳимовнинг номи билан аталади.

⊙ Район майдони — 2,88 минг гектар, яшил дов-дарахтлар майдони 8 72 гектар. Шу жумладан 195 гектар хиёбонлар, боғлар, жамоатчилик фойдаланадиган яшил зоналар мавжуд. Районнинг аҳолиси— 255,6 минг кишидан иборат.

⊙ Районда шаҳарнинг шимолий йирик саноат зонаси жойлашган. 25 та саноат корхонасидан ўнтаси машинасозлик, 7 таси енгил, 4 таси ёғочни қайта ишлаш, 2 таси қурилиш саноатн корхоналаридан иборат.

⊙ Ўн иккинчи беш йилликда барча саноат корхоналарини реконструкция қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш кўзда тутилган. Чинни, агрегат, «Компрессор», «Металлообработка» ишлаб чиқариш бирлашмаси, ўйинчоқлар фабрикаси ва бошқа корхоналарда қувватларни янада кенгайтириш тадбирлари белгиланган.

⊙ 92 номдаги буюмлар давлат Сифат белгиси билан аттестация қилинмоқда. Агрегат ва «Компрессор» корхоналарида бундай маҳсулотлар 80 процентни, бош кийимлар фабрикасида эса 50 процентни ташкил этади.

⊙ 1986—1990 йилларда 1230 минг квадрат-метр уй-жой биноси қурилиши мўлжалланган. Қорақамиш ва Тошкент давлат медицина институти массивларида маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари, «Марказ—17-18» кварталида, Студентлар шаҳарчасида, Шифокорлар шаҳарчасида 1950 киши қатнаб даволанадиган поликлиникалар қурилади. 14 та мактабгача ёшдаги муассаса ва 7 та мактаб фойдаланишга топширилган. Ҳозир районда 69 та мактабгача ёшдаги муассаса бўлиб, уларда 16,5 минг фарзанд тарбияланмоқда. Райондаги 30 та мактабда 40679 ўқувчи таълим олаяпти. 10 та илмий тадқиқот муассасаси ва 2900 илмий ходим бор. Шулардан 22 киши Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги ва мухбир аъзолари, 97 нафари фан докторн ва 737 нафари фан кандидатларидир.

⊙ 15 клуб ва маданият саройн район аҳолисига хизмат кўрсатмоқда.

⊙ Ўн иккинчи беш йиллик режаларига кўра эски шаҳар қисми маҳаллалардаги уйлар таъмирланади. «Марказ—17-18», Тансиқбоев, Беруний массивларн қурилиши давом эттирилади.

## Собир Раҳимов— район ва инсонга

Биз ўлсак ҳам жисмимиз
ҳар хил пухта
ишларда —
Пароходда, мисрада
гавдаланар,
жонланар.
В. МАЯКОВСКИЙ.

Ҳарбийча қутламоққа чоғлар эдим овозим,
Гурс-гурс одим отарман хиёбон, йўлагида.
Дуч келгандай «Неттю»га бир пайт чапдаст
устозим,
Раҳимовни учратдим мен шаҳрим бўлагида.
Данцинг жароҳатлари гўё тамом тузалиб,
Бир район сиймосида бўлгандн у намоён.
Гарчи ҳаққи бўлса ҳам ётмоқликка узалиб,
Ишлар эди генерал, жасур, фидойи ҳамон!
—Қара,—дерди юзидан терларини сидириб, —
Қара, асли меҳнатга мойил меннинг қўлларим.
Топгунимча ва лекин дастгоҳимни қидириб,
Жанггоҳларга тушдн, ҳа, неча марта йўлларим.
Халоскорин ғарқ этар чўкаётган ношуд гоҳ,
Ўлимга маҳкум эрур қароқчи тушган кема.
Тўпларим биноларин ишшонга олганда, оҳ.
Қулаб тушган ичимдан меннинг ҳам алланима!
Бузиш изтиробини, о, ўшанда сезганман,
Яшар одамзод, ахир, яратай деб, қурай деб.
ГСКБда мен бугун лойиҳалар чизяпман,
Ўша орзуларимнинг амалини кўрай деб.
Иккисин ҳам салмоғи Замин учун баробар;
Камолга бошлар бирн, бошлар бирн заволга.
«Тигр»ларни чилпарчин қилганимда, биродар,
Трактор заводимни келтирганман хаёлга.
Пачоқ кружкаларда ҳўпламай қолган чойим,
Назокат, нафосатга ташналигим, эҳтимол...
Ажабланманг очилса жарангидан чиройим,
Ўзим пешлаган чининг ўзимни айласа лол.
Не ажаб, кетарднлар муҳандис, олим бўлиб,
Толиблик партасидан қилмаса уруш жудо.
Маълумотн бир умр тўлиқсиз олий бўлиб —
Қолган олийқалбларим, ўлмагансиз мутлақо!
Синовлар пайти... Ана, бўлса ҳамки тун ярим —
Қолиб кетар талаба китоблар орасида.
Тинглаяпман қалбингизз зарбини, шунқорларим,
Талабалар шаҳрининг ҳар бир фуқароида.
Дорилфунун пештоқи бир знёдан мунаввар,
Бизнинг нигоҳимиз у, чироқ бўлиб порлаган.
Қорақамиш устида айланган тўп-тўп каптар,
Руҳимиздир, сизни ҳам юксакларга чорлаган.
Бахмал соҳилларида яйрардим тўйиб-тўйиб,
Болалик ўйинларим чиқар эдн авжига.
Қароқларим, босганн сизни бағримга суюб,
Сингиб кетдим мен бугун Кайковуснинг
мавжига!
... Шаҳрим энтикар эдн Раҳимов дардни айта,
Қайдадир гувлаган сой — кўксядаги эҳтирос.
Мен ундан фазилатлар топардим қайта-қайта,
Қаттиққўл лашкарбошн, меҳрибон инсонга хос.
— Районлар бу шунчаки бизнинг ушоқ
қисмимиз!
Боқий умрдан нидо етдн менга шу заҳот, —
Ғалабада бус-бутун гавдаланган жисмимиз,
Ундан пухтароқ ишни кўрмаган ҳалп ҳаёт!
Муҳаммад РАҲМОН.

1. Собир Раҳимов районидаги чинни заводи назарда тутиляпти.



«Тошкент оқшоми» махсус мухбирлари оталиқдаги Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областларидан хабар қиладилар.

## «ОҚ ОЛТИН»— ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 22 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун— областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун мавсум бошидан буён.

| | | |
|---|---|---|
| Хоразм | 1,01 | 72,05 |
| Бухоро | 1,71 | 68,16 |
| Сурхондарё | 2,11 | 66,35 |
| Тошкент | 2,47 | 63,36 |
| ҚҚАССР | 1,21 | 59,17 |
| Фарғона | 2,15 | 55,97 |
| Сирдарё | 3,23 | 55,13 |
| Жиззах | 3,35 | 54,58 |
| Наманган | 2,54 | 47,13 |
| Қашқадарё | 1,54 | 46,60 |
| Андижон | 2,11 | 43,06 |
| Навоий | 1,38 | 41,49 |
| Самарқанд | 1,63 | 39,39 |
| Республика бўйича: | 2,04 | 54,91 |

## Замондошимиз



## Меҳнат шарофати

Собир Раҳимов районида меҳнатда донг таратган, республикамизга машҳур кишилар жуда кўп. Улар ўз касбининг устаси бўлиш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этаётган замонамиз жонкуярларидир.

Светлана Васильевна Рибакова ҳам ана шундай «ёниб яшаётган», ўз коллективи учун, эл фаровонлиги учун жон куйдираётган 80-йилларнинг оташқалбларидан биридир. Мана 21 йилдирки, 3-уйсозлик комбинатининг 3-йирик панелли уйсозлик заводида ҳалол меҳнати билан коллектив ҳурматини қозониб келаяпти.

Светлана Васильевна асли Ярославль шаҳрида туғилган. 1965—1967 йиллари Совет Армияси сафида алоқачи бўлиб хизмат қилиб келар эди. Совет Армияси сафидан қайтгач, Тошкентдаги ўша машъум ҳодисани — кучли зилзила бўлганлигини эшитдик, тинч туролмадн. Қалбига қулоқ солиб, юзлаб кўнгиллилар сафида комсомол йўлланмаси билан тўғри Тошкентга йўл олдн. Шу-шу қурилишда тобланмоқда. Аввалига арматурачи, сўнг кранчи, ҳозир эса пайвандчи бўлиб ишлаяпти. Эх-ҳе, ана шу давр мобайнида у кўплаб турар жой бинолари ва бошқа объектларни бунёд этишга ўз ҳиссасини қўшмади дейсиз...

Светлана Васильевнанн корхонада мураббий деб чақиришади. Бу бежиз эмас. Ана шу йигирма йилдан ортиқ давр мобайнида у кўплаб қурувчи ёшларни тарбиялаб етиштирдн.

«Меҳнат қилган — элда азиз», дейди халқимиз. Коллектив унга катта ишонч билдирди. Мана ҳозир Светлана Рибакова Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати сифатида фаоллик кўрсатиб келмоқда. У аёллар меҳнатини, оналикни муҳофаза қилиш доимий комиссияси аъзоси сифатида ҳормай-толмай ўз кучини, билимини сарф этиб келяпти. Меҳнатда эришган юксак кўрсаткичлари учун олган III даражали Меҳнат Шуҳрати орденн, «Шавкатли меҳнати учун» медали ва бошқа бир қатор орден-медаллар унинг кўксини безаб турибдн.

— Мен кишиларда ҳалолликни улуғлайман, —дейди Светлана Васильевна. — Виждонан, ҳалол меҳнат қилсак, масъулиятни ҳис эта билсак ва энг муҳими ёниб яшасак кўзланган марраларга эришаверамиз. Бу айни қайта қуриш ва жадаллаштириш даврида жуда муҳимдир.

СУРАТДА: Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, пайвандчи Светлана Рибакова. Р. Шарипов фотоси.

## Ҳашаматли уй

Бугун

«Қорақамиш — 1/2» массивида бунёд этилган 5 қаватли 90 квартирали турар жой биноси қурилиши ниҳоясига етдн.

«Главташкентстрой»ни н г 3-уйсозлик комбинатига қарашли 3-қурилиш бошқармасининг Н. М. Плахих етакчилик қилаётган комплекс бригада аъзолари ҳамда Тошкент «Мостстрой» трестига қарашли пардозлаш қурилиш бошқармасининг С. Низомова етакчилик қилаётган сайқалчилари бунёд этган бу турар жой биносида оилалар уй тўйларини ўтказишди.

## Биз ҳаммамиз—пахтакормиз

### Мусобақа байроғини баланд кўтариб

Бугунги долзарб кунларда пойтахтнинг Собир Раҳимов райони меҳнаткашлари ҳам қалб амрига кўра чўлқуварлар қошига отландилар. Райондаги бир қатор корхоналарнинг меҳнат коллективлари вакиллари Сирдарё, Жиззах ва Тошкент области пахта далаларида етиштирилган «оқ олтин»ни териб олишда пахтакорларга ёрдам бермоқдалар.

Жумладан, райондаги 10-автомобиль ремонти, подшипниклар ремонти заводлари ва бир қатор корхоналарнинг вакиллари Сирдарё областининг Оқ олтин районидаги Абдалин номли совхоз пахта далаларида жавлон урмоқдалар.

—Мен бошқараётган бригада 75 ишчидан иборат.—дейди 10. автомобиль ремонти заводи бош инженерининг ўринбосари, ҳашарчилар бригадаси бошлиғи М. Турсунов.— Ҳашарчиларимиз кунига 1,5—2 тонна «оқ олтин» териб беряптилар. Шу кунгача терган пахтамиз 20 тоннадан ошиб кетди.


Совхоз маъмурияти ҳашарчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Тошкентлик ҳашарчилар совхозлаги мактабда яшашяпти. Уч маҳал иссиқ овқат берилади. Кечқурунлари эса маданий ҳордиқ чиқариш учун барча шароитлар муҳайё этилган. Ҳашарчилар Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига социалистик мусобақани тобора қизитмоқдалар. 10-автомобиль заводининг қурувчиси Ўроз Султонов, пайвандчи Зокир Юсупов, металл қирқувчи Ренат Нуриманов, подшипниклар ремонти заводидан штамповкачи Т. Раимов, слесарь А. Данилченко, қурувчи А. Рибинлар беллашувда пешқадамлик қилмоқдалар.

Куни кеча фотомухбиримиз Т. Каримов Собир Раҳимов районидан борган ҳашарчилар ҳузурида бўлиб, уларнинг даладаги қизғин меҳнат фаолиятини фотолавҳаларга кўчириб қайтди. Диққатингизга ана шу ҳашарчиларнинг даладаги фидокорона меҳнатидан лавҳалар ҳавола этилган.














Коммунистлар аттестацияси: дастлабки сабоқлар

# Талабчанликни оширайлик

Бу гал қизиқ бўлди. Одатда, район партия комитетига саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотларидан вакиллар келишар, коммунистларнинг ижтимоий-сиёсий аттестациясига доир саволлар беришар, муҳим йўл-йўриқлар олишар эди. Бу гал бундай бўлмади. Келган вакиллар пенсионерлардан иборат эди. Район партия комитетининг инструктори А. С. Хўжаев улар билан суҳбатлашгач, гап нимадалигини дарҳол пайқади.

Гап шунда эдики, шаҳар партия комитетининг коммунистлар аттестациясини ўтказиш тўғрисидаги Низомида ишламаётган пенсионерлар аттестациядан ўтказилмаслиги, яъни бундан ҳоли эканликлари таъкидланган эди. Хўш, нима қилиш керак! 94-уй-жойлардан фойдаланиш участкасининг коммунистлари ўзларини аттестациядан ўтказишларини илтимос қилиб райкомга келганликлари А. С. Хўжаев ва райкомнинг бошқа ходимларини ажаблантирганга ўхшайди! Шундай бўлиши табиий ҳол эди! Уй-жойлардан фойдаланиш участкаси партия ташкилотининг секретари Анатолий Николаевич Хрипунов райкомдан мамнун бўлиб қайтди.

Яна қизиғи шунда эдики, улар коммунистлар аттестациясини ўз кучлари билан, яъни район партия комитетидан вакиллар таклиф этмасдан ўтказишга аҳд қилдилар. Аммо бу гал райкомдагилар кўп ўйлаб ўтиришмади: вакил юбормасдан уй-жойлардан фойдаланиш участкаси аттестация комиссиясининг ўзига катта ишонч билдиришди. Майли бу ҳам бир тажриба! 189 та бошланғич партия ташкилотида райком ходимлари ва аъзоларидан аттестация комиссияларига вакиллар аъзо бўлди. Бутун районда фақат шу участкада райкомдан вакил қатнашмади.

Аммо натижа кутилганидан аъло бўлди! Бу ерда аттестация юксак савияда ўтди. Бундан руҳланган райком ходимлари Тошкент ўйинчоқлар фабрикасида ҳам шу тажрибани ишга солишди. Бу ерда ҳам натижа чакки бўлгани йўқ.

Айни пайтда диққатингизни яна бошқа бир характерли фактга тортмоқчимиз. Шаҳар санитария-эпидемиология станциясининг автобазасида бутунлай бошқача манзарани кўрамиз. Собир Раҳимов район партия комитети бу автобаза аттестация комиссияси составига автобазанинг ўз партия ташкилотидан бironта ҳам вакил киритмасликка қарор қилди. Бизнингча, бу жуда тўғри қилинган. Нега дейсизми!

Келинг, аввал шу автобаза партия ташкилотидаги аҳволга бир назар ташлайлик.

Шу йил 21 сентябрда автобаза партия ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия ташкилоти ҳисобида турган барча 10 коммунист сўзга чиқди. Ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан бу кишиларнинг фикр-мулоҳазаларидан маълум бўлдики, ҳисобот даврида инҳоятда қониқарсиз иш олиб борилган. «Натижа» ҳам шундай бўлиб чиқди. Партия ташкилоти бюроси олиб борган ишлар қониқарсиз деб топилди.

Партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг январь ва июнь (1987 йил) Пленумлари кўрсатмалари, КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қабул қилган қарори коммунистлар пассивлигига барҳам беришни, коммунистларнинг айрим қисми онгида ҳукм сураётган лоқайдликни бартараф этишни талаб этаётган бир пайтда бу автобаза партия ташкилотининг ўзига аттестацияни юксак савияда ўтказишни ишониб топширибми бўлардим! Йўқ, албатта!

Автобазада коммунистлар аттестацияси составига район партия комитети ташкилий бўлимининг мудири Р. Ж. Қурбонов, райком инструктори А. М. Сарибоев, ревизия комиссияси раисининг ўринбосари Ф. С. Исҳоқова ва бошқалар киритилди. Аттестация натижалари кўплар учун кўнгилсиз бўлди. Бир коммунист аттестациядан ўта олмади, унга энг қаттиқ партиявий жазо берилди. Икки нафар коммунист эса шартли равишда аттестация қилинди. Автобаза партия ташкилоти секретари Т. Алиевнинг ўзи шартли равишда аттестация қилинганлиги, партиявий жазо олганлиги фактининг ўзиёқ буни яққол кўрсатиб турибди.


Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчимиз. Хўш, район партия комитети нега мазкур автобаза партия ташкилоти ишлари билан аввалларн конкрет шуғулланмади! Бу саволни бежиз бераётганимиз йўқ. Сабаби шундаки, автобазада ҳисобот-сайлов чоғида коммунистлар сайловгача район партия комитетида бу ташкилотга вакиллар жуда онда-сонда келишганлигини ҳаққоний айтиб ўтдилар.

Зотан район партия комитети савдо идораси аттестация комиссияларини составидадирлар. Айни пайтда партия ветеранлари аттестация комиссияларига киритилган. Масалан, партия ветерани А. Е. Юнусов шаҳар Совети ижроия комитетининг моддий техника таъминоти бошқармаси, А. Ж. Жалилов эса «Ташплодоовошчпром» улгуржи-чакана савдо идораси аттестация комиссиясини составида иш олиб бормоқдалар.

Энди айрим проблемалар ҳақида. Ҳозир районда 189 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд. Шундан 34 тасида аттестация ўтказилмоқда. Биринчидан, аттестация ўтказилаётган партия ташкилотларининг сонини кенгайтирш лозим. Иккинчидан, аттестация комиссияларининг мажлислари ҳар ойда икки-уч мартадан ўтказилмоқда. Ҳолбуки, бошланғич партия ташкилотларида ҳар икки ойда бир марта партия йиғилиши ўтказилишини инобатга олсак, бир йиғилишнинг ўзида жуда кўплаб коммунистлар фаолиятини муҳокама қилишга тўғри келмоқда. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир йиғилишда муҳокамага кўплаб масалалар йиғилиб қолмоқда. Ҳозирги суръатга қараганда деярли ҳар ҳафтада йиғилиш ўтказишга тўғри келади. Бундай қилиш эса нормал ҳол бўлмас эди. Аттестациянн ўтказиш тартибн тўғрисидаги низомда барча коммунистларни аттестациядан ўтказиш кўзда тутилган. Агар аттестациянинг кампания эмас, балки аниқ мақсадга қаратилган, коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлаш, партия ташкилотларини соғломлаштириш ва бошқа жиҳатлардаги ролини ҳисобга олсак, яъни аттестациянинг вақтинча эмас, балки доимий характерга эга эканлигини ўйласак, уни ҳозирги паллада кўпгина партия ташкилотларида ўтказиш мақсадга мувофиқлиги равшан бўлади. Айниқса, районда саноат корхоналари бошланғич партия ташкилотларн коммунистларн аттестациядан ўтказишга нисбатан оз қамраб олинмоқда. Масалан, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Компрессор» синғари йирик саноат корхоналарида биринчилар қаторида аттестация ўтказилмаётганн ва у юқорида айтиб ўтилган 34 та ташкилот рўйхатига ҳам киритилмаганлиги уларда ҳали аттестация комиссияси составн ҳам тасдиқланмаганн бизга тушунарсиздир. Коммунистлар аттестациясига жуда жиддий ва масъулият ҳисси билан қараш керак. Райкомда буни энди тўла ҳис этишмоқда: «Узкоопстроймонтаж» трестида райком вакилларн аттестациянн қандай ўтказиш борасида ўқув ташкил этишдн. Бундан ташқари райком қошида ҳам семинар уюштирилдн. В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетида эса аттестация комиссиясининг аъзолари билан суҳбат ўтказилдн.

Бу тадбирларнинг барчаси коммунистларнинг ижтимоий-сиёсий аттестациясини ҳозирги талаблар даражасида ўтказишга қаратилди.

Ҳ. ИКРОМОВ.



«Мебельбит» ишлаб чиқ... бирлашмасидаги пешқ... сафи бирмунча катта. Ан... пешқадамлардан бири ... белчи дурадгор, КПСС ... агитатор, мураббий ... Хаил Кравчуқдир. У ... хонада 24 йилдан буён ... рона меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА М. Кравчук.



Ёш коммунист Аб... Абдуллаев райондаги ... горазведка» тажриба ... ка заводининг илғор ... ридан бири. У бу ... ўн олти йилдан бери ... меҳнат қилади. Ҳозир ... ника цехидаги илғор ... бригадасининг пешқа... чиларидан.

СУРАТДА: А. Абдуллаев.

# Таъминот тоши енгил...

ЁКИ ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИДА ДАВЛАТ ҚАБУЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?



**Тошкент агрегат заводининг икки минг кишилик ишчан коллективи юбилей йили ойлик ва квартал планларини изчил бажармоқда. Корхона тўққиз ойлик планни 101,6 процент адо этди. Утган ойлар мобайнида 25 миллион 533 минг сўмлик ўрнига 25 миллион 953 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Нафақат Ўзбекистон, балки қардош республикалардан олинган буюртмалар ҳам мудда тидан олдин эгаларига етказиб берилди. Бу таҳсинга лойиқ, албатта. Бироқ биз агрегат заводи директори Ремзи Мустафаевич АЛИМОВ билан суҳбатлашганимизда, у йил лик план бажарилиши хавф остида эканлигини айтди. Утган уч квартал планларини удда лаб келган корхона йиллик планни нега бажаролмайди! Бунинг сабаби нимада!**

— Бунинг туб сабаби асосан таъминотда,— дейди Тошкент агрегат заводи директори Р. М. Алимов. —Таъминотчилар комплектлаш материалларини ўз вақтида етказиб беришмаяпти. Заводнинг юздан ортиқ таъминотчиси бор. Аммо улар имзоланган шартномаларни ўз вақтида бажаришмаяпти. Бунинг натижасида квартал охирларида мажбурий ҳужумкорлик, «зарбдор»часига ишлашга зўр берилаяпти. Бунинг оқибати ҳаммага маълум: ортиқча ҳаражатлар, ортиқча куч-қувват сарфи, асабий таранглик... Буларнинг барчаси қайта қуриш ва жадаллаштиришга тўғаноқ бўлмоқда...

Директор ҳақ. Таъминотчи ўз маҳсулотини шартномада белгиланган вақтда корхонага етказиб бермагач кўпчиликнинг қонуний манфаатларига путур етади. Айниқса СССР Автомобиль саноати министрлигига қарашли айрим корхоналар шартномани имзолашга устаю, комплектлаш материалларини юборишга келганда, ноқобиллик қилишмоқда. Мисолларга мурожаат қилайлик: Ростов-Дон давлат подшипник заводи тўққиз ой ичида 10.795 та подшипник юбориши керак эди. Ҳолбуки, ҳозиргача бор-йўғи 4.317 подшипник юборди. Украина ССРдаги Гневан ремонт-подшипник заводи 7614-маркали материалдан 11.250 та етказиб бериши лозим эди. Аммо улар жўнатган маҳсулот атиги 1664 тадан иборат бўлди, холос. Харьковдаги 8-давлат подшипник заводи эса тўққиз ой ичида белгиланганидан 3.260 та кам маҳсулот жўнатди. Андижондаги 27-давлат подшипник заводи ҳам ваъдабозликда бошқалардан қолишмаяпти. Бу корхона тўққиз ой ичида 9.014 ўрнига 4.519 подшипник жўнатиб, «қолганига қарздормиз», деб турибди. Корхонани нефть маҳсулотлари ва вагонлар билан таъминлашда ҳам узилишлар ҳамон давом этмоқда.

Таъминотнинг тоши ана шундай енгил келабергач, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва бу маҳсулотнинг сифати масалалари ҳам ўз-ўзидан оқсаши аниқ. Қизиғи шундаки, Тошкент агрегат заводи учун юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 53,8 процент қилиб белгиланган. Коллектив бу кўрсаткични ўтган тўққиз ойлик натижа бўйича 59 процент бажарди. Бу — сифат бўйича белгиланган план анча ошириб бажарилди демак. Бироқ қолган маҳсулотлар сифатига ким кафолат беради? Маҳсулот сифатини олий, биринчи, иккинчи ва ҳоказо деб ажратишга қачон барҳам берилади?

— Корхонамизда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун қатъий кураш кетяпти,— деди сифат масалалари бўйича директор ўринбосари И. Г. Митаев. —Шу мақсадда техника назорати бўлими ишини қайта қураяпмиз. Яқинда бўлимдаги контролёрларни аттестациядан ўтказдик. 78 ходимдан 54 нафари аттестацияга жалб этилди. Уч киши разрядини оширишга тавсия этилди. Қолганлари ўз устида ишлаш, технология жараёнларини янада мукаммал ўрганишга даъват этилди. Негаки, бизда ишлаб чиқаришдаги 1200 технология жараёнининг 720 таси контролёрлар томонидан назорат қилинади. Бу унчалик юқори кўрсаткич бўлмай, бор-йўғи 75 процентни ташкил этади.

Техника назорати бўлими ходимлари маҳсулот сифатини яхшилаш борасида ҳали кўп иш қилишларига тўғри келади. Негаки, Тошкент агрегат заводида октябрь ойидан эътиборан давлат қабули жорий этилди. Завод ҳовлисидаги пештахтада давлат қабулига топшириладиган маҳсулот миқдори йирик қизил ҳарфлар билан ёзиб қўйилган: **1987 йилнинг октябрида — 25 процент, ноябрда — 50, декабрда — 73 ва янги йилдан эътиборан юз процент маҳсулот биринчи тақдимдаёқ давлат қабулидан ўтиши керак.** Бунинг реал натижалари ҳадемай юзага чиқади. Негаки янги йил, остонани мўлжаллаётган вақтга ҳам оз қолмоқда.

Корхонанинг биринчи цехида бўлиб, смена бошлиғи Абдувори Мўминов билан давлат қабулига тайёргарлик ишлари хусусида суҳбатлашдик.

— Давлат қабулига ўтиш — қонуний ҳолат, —деди А. Мўминов. — Бизнинг сменада меҳнат қилаётган 150 нафар ишчи ўз касбини яна ҳам чуқурроқ эгаллашга, ҳар бир технология жараёнини мукаммал эгаллаб олишга қунт билан ёндошяпти. Аммо янгича иш шароитига, янги талабларга бирданига кўникиш қийин бўлмоқда. Сменамиз 40 комплект «Т—28 —Х4» тракторининг тайёр узелларини давлат қабулига тақдим этди. Бироқ биринчи қабулдаёқ уларнинг айримлари талабга мос эмаслиги билиниб қолди.

Тошкент агрегат заводида П. И. Попов раҳбарлигида 5 нафар давлат қабули вакиллари иш олиб боришмоқда. Уларнинг сони 14 нафар бўлиши керак. Бу борада мутахассис кадрлар танлаш ишларини тезлаштириш лозим. Негаки, давлат қабули вакили фақатгина расмий вакил бўлиб қолмай, балки маслаҳатчи ҳамда фаол кўмакдош бўлишга ҳам тўғри келади.

Мамнуният билан айтиб ўтиш керакки, Тошкент агрегат заводи бир неча ўн турдаги халқ истеъмол буюмлари ҳам ишлаб чиқармоқда. Корхона бу борадаги тўққиз ойлик планни 103,2 процент адо этди. Ўтган ойлар мобайнида 2 миллион 321 минг сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқилди. Бу товарлар ичида айниқса, болалар велосипедлари харидоргир.

— Янги йилнинг биринчи январидан корхонамиз хўжалик ҳисобида иш бошлайди, — деди суҳбатимиз сўнгида завод директори Р. М. Алимов. — Бу коллективимиздан меҳнатга янгича ва виждонан ёндашувни талаб қилади. Ҳозир янгича шароитда меҳнат қилишга астойдил тайёргарлик кўраяпмиз. Амалга оширилаётган тадбирлар илк самараларини бермоқда. Корхонада меҳнат интизоми мустаҳкамланди, топширилган иш учун масъулият кучайтирилди. Коллективимиз хўжалик ҳисобида меҳнат қилишга ўзини чоғлаб турибди.

Ҳа, Тошкент агрегат заводи хўжалик ҳисобида ишлашга ўзини дадил чоғлаб турибди. Аммо келгусида завод эришадиган ютуқлар фақат корхона коллективига эмас, балки таъминотчилар шартнома тарозисига қўйган тошга ҳам боғлиқ. Шу сабаб таъминотчи ва буюртмачи ўртасидаги шартномалар реал асосга эга бўлишига эришмоқ зарур.

**А. АМИНОВ.**

**СУРАТДА: заводдаги илғор бригадалардан бири. Унга коммунист Б. Бичков бошчилик қилади.**

**М. Нуриддинов фотолари.**

# Метро Қорақамишга боради

Янгилик! Хабарингиз борми?

**Дастлаб Тошкент метроси қурилишида бир метросоз шундай деган эди: «Мана Тошкентда ҳам метро қурилиши бошланди. Энди у давом этаверади». Унинг бу фикри ҳамон хаёлимдан кетмайди. Чунки у ўшанда ҳақ эди. Орадан мана ўн уч йилдан знёд вақт ўтган бўлса-да, Тошкент метроси қурилиши ҳамон давом этмоқда ва шундай давом этаверади.**

**Тошкент метросозларида яхши анъана пайдо бўлди. Улар ҳар йили Улуғ Октябрь байрами арафасида янги станцияларни ишга туширадиган ёки катта меҳнат зафарини қучиб қарши оладиган бўлдилар. Айни пайтда ҳам метро қурилиши қизғин давом этмоқда. Навоий — Беруний трассасида иш қизғин. Келажакда ана шу линия шаҳар марказини Собир Раҳимов районининг энг йирик массиви — Қорақамиш билан боғлайди. Ана шу муносабат билан мухбиримиз район территориясида метро станцияларининг қай даражада жойлашуви ва уларнинг қандай бўлиши ҳамда қачон ишга туширилиши ҳақида «Ташметропроект» институти директори М. Х. ХОЛМУРОДОВ билан суҳбатлашди.**

**— Масар Холмуродович, маълумки Собир Раҳимов районининг асосий микрорайон ва массивлари ана шу линия бораётган томонда жойлашган. Албатта, институт меъморлари биринчи навбатда ана шуни ҳисобга олганлар деб ўйлаймиз. Метронинг шаҳарнинг энг йирик массивларидан бири—Қорақамишга бориши ғоят қувонарлидир...**

— Ҳа, биз метро линияларини ўтказишда албатта, аҳоли кўп жойлашган массивларни ҳисобга оламиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, Собир Раҳимов районининг Қорақамиш, Тансиқбоев, Чимбой, массивлари, ТошМИ, ТошПИ, Шифокорлар, Профессорлар, Студентлар шаҳарчаларида Тошкент аҳолисининг катта бир қисми истиқомат қилади. Шунинг учун ҳам «Навоий» станциясидан бошланувчи линиянинг сўнгги бекати Қорақамиш массивининг савдо маркази, яъни ҳозирда қурилаётган бозорнинг ёнига боради.

**— «Навоий — «Беруний» трассасида ишлар қандай кетаяпти?**

— Ёмон эмас. Бу трассани икки босқичда ишга туширишни мўлжаллаганмиз. Узунлиги 2,5 километр бўлган «Навоий» — «Ғафур Ғулом» — «Чорсу» бекатлари 1989 йилда ишга туширилади. «Чорсу» —«Тинчлик» — «Беруний» бекатлари эса иккинчи босқичга киритилган бўлиб, уларни 1991 йилда ишга тушириш мўлжалланган. Мазкур станциянинг оралиғи 3,5 километрни ташкил этади.

**—Хўш, метро Қорақамишга қачон боради?**

— Шу линияни Қорақамиш массиви сари давом эттирамиз. «Беруний»дан кейинги станция В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг олдида бўлади. Иккинчи станция эса юқорида айтиб ўтганимиздек, Қорақамиш бозорининг олдида бунёд этилади. Бу ишлар ўн тўртинчи беш йилликка мўлжалланган. Яъни 1995—2000 йилларда рўёбга чиқади.

**— Ана шу ер ости бекатлари қандай кўринишларга эга бўлади ва улар қаерларда бунёд этилмоқда?**

— «Ғафур Ғулом» станцияси лойиҳасини институтимизнинг архитекторлари В. Табибов ва Х. Музаффаровалар яратишган. Мазкур линиядаги станцияларни безашда биз «Ўзбекистон» линиясидаги архитектура безаклари намуналарини давом эттирамиз. Яъни станцияларнинг ичлари мармар, гранит, керамика билан безатилади. «Ғафур Ғулом» станциясининг деворларига Ўзбекистон ССР халқ шоири Ғ. Ғулом асарларидан намуналар келтирилган паннолар қўйилади. Иккита вестибюлга эга бўлади. Битта эскалатор йўловчиларга хизмат кўрсатади. Кейингиси «Чорсу» бекати бўлиб, унинг лойиҳасини «Ташгипрогор» институти билан бизнинг институтимиз меъморлари ҳамкорликда яратишган. Янги станцияни безашда Чорсунинг тарихий тутган ўрни, ана шу атрофдаги тарихий ёдгорликлар деворлардаги паннораларда акс этади. Вестибюлларнинг кенг ва ёруғ бўлиши мўлжалланган. Ўзўзидан маълумки, «Тинчлик» станциясини безатишда тинчликка бағишланган паннолардан фойдаланилади. Бу «Марказ — 27» квартали олдида бунёд этилмоқда. Лойиҳа авторлари институтимиз меморлари — Я. Мансуров, Я. Козимовлар янги бекатда йўловчилар учун барча қулайликлар бўлишини кўзда тутганлар. Сўнгги «Беруний» бекати «Юбилей» спорт саройи яқинида бўлиб, линиянинг энг гўзал бекатларидан бири бўлади. Деворлардаги паннораларда Берунийнинг ҳаёти ва ижодидан намуналар келтирилади. Барча станциялар очиқ усулда, тоннеллар қурилиши эса ёпиқ усулда олиб бориляпти.

**— Сўнгги савол: маълумки, газетамизда Юнусобод линияси бўйича оқимохонларга маълумот берган эдик. Ана шу линия бўйича ўзгаришлар йўқми?**

— Ҳозирча йўқ. Юнусобод линиясининг биринчи навбати қуриляпти. Бу линиянинг қурилиши ҳам икки босқичда боради. Жами узунлиги 11 километрни ташкил этади. Биринчи босқичда «Лоҳутий» — «1 Май» — «Олой бозори» — «Киров» «ВДНХ» бекатлари бўлади. Ана шу бекатларни 1996 йилда ишга тушириш мўлжалланган. Иккинчи босқичда эса «ВДНХ» — «Шаҳристон» — «Файзулла Хўжаев» — «Юнусобод» бекатлари бунёд этилади. Унинг узунлиги 5 километрдир.

Хуллас, шаҳримизда метро қурилиши узлуксиз давом этади. Метро асримизнинг энг қулай, энг арзон ва ғоят тезкор транспорт воситаларидан бирига айланаётганлиги шубҳасиздир.

**Суҳбатни М. ХАЛИЛОВ ёзиб олди.**



**Собир Раҳимов районидаги янги қурилаётган турар жой кварталларида ҳамшаҳарларимиз бахтиёр яшашмоқда. Қорақамиш, Себзор массивларидаги янги қурилган биноларда минглаб пойтахтликлар бирин-кетин уй тўйларнин нг шошлашмоқда.**

**СУРАТДА: Себзор массивидаги янги қуриб битказилган турар жой биноларн.**

Р. Шарипов фотоси.

# ЖОНКУЯР ЖАМОАТЧИ

Дунёда шундай кишилар бўладики, улар ўзларининг кичик ва камтарона меҳнатлари билан маҳалла-кўйда обрў-эътибор топишади. Маҳалламизда истиқомат қилувчи кекса педагог, актив жамоатчи Дония Холмуҳамедова ана шундай аёллардан.

Собир Раҳимов районига қарашли Янги ҳаёт маҳалласида узоқ йиллардан бери хотин-қизлар секцияси номигагина ишлаб келарди. Ўтган йили маҳалла аҳли секция ишини жонлантириш ниятида унга янги бошлиқ сайлашни лозим топди. Ошкора йўл билан ўтказилган бу сайловда Дония Холмуҳамедованинг номзоди бир овоздан маъқулланди.

Камтарин аёл маҳалла кишиларининг ишончини оқлаш учун енг шимариб ишга киришди. Ҳувиллаб қолган маҳалла клуби яна гавжумлашди. Депутатлар билан тез-тез учрашувлар ўтказиладиган бўлди. Уларга янги наказлар топширилди. Лекторлар таклиф этилиб турли мавзуларда суҳбатлар ўтказилди. Хуллас, секция иши жонланиб кетди. Фикримизнинг исботи учун «Бола тарбиясида отаонанинг роли», «Аёл — она», «Фарзандингиз ким бўлмоқчи?», «Бола азиз — одоби ундан азиз» деган мавзуларда бўлиб ўтган суҳбатларни қайд қилмоқ кифоя. Бу суҳбатлар албатта ўзининг ижобий натижасини берди. Маҳалла аёллари тарбия борасидаги фикр-мулоҳазаларини Дония Холмуҳамедова билан ўртоқлашадиган бўлдилар.

Маҳалладаги баъзи оилавий келишмовчиликлар ҳам секция бошлиғининг фаол иштирокида ижобий ҳал бўлмоқда.

Бу жонкуяр аёл хизматидан маҳалла аҳли миннатдор.

Н. ҲАМИДОВ,
меҳнат ветерани.

# ҚАРИ БОР УЙНИНГ ЗАРИ БОР

**Собир Раҳимов район Советининг депутати Ҳакимжон Ҳошимов катта ҳаёт тажрибасига эга. У бутун умрини ёшларга билим беришдек шарафли ишга бағишлаган инсон. Бу камтарин педагогнинг узоқ йиллик самарали меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Унинг кўксини Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари безаб турибди. СССР халқ маорифи аълочиси, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи фахрий унвонларига эга бўлган бу оташқалб инсон узоқ йиллардан бери райондаги 22-ўрта мактаб коллективига бошчилик қиладп.**

**Бу йил район Совети ижроия комитети бу тинниб-тинчимас депутатга катта ишонч билдириб, унн район уруш ва меҳнат ветеранлари Советининг раиси этиб тайинлади. Қуйида район ветеранларининг иши ҳақида сўз боради.**

Шу йилнинг сентябрь ойида Тошкентда уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгаши фаолиятида муносиб иштирок этмоқда. Ташкилотнинг Президиумининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Бу анжуманда ёш авлодни интернационализм, меҳнатга, ўқишга, ҳарбий хизматга пенсионерларни баҳоли қудрат меҳнат фаолиятига жалб этиш юзасидан тарбиялаш, шунингдек муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, ветеранлар ташкилотларини яхшилаш ва аралаштириш, уларни ўн иккинчи беш йиллик халқ хўжалик планларини амалга оширишга жалб этиш юзасидан ветеранларнинг КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди.

Мана шу йиғилишда айтилган сўзлар биз ветеранларга ўз ишимизни қайта қуришда бош вазифа бўлиб хизмат қилади. Районимизда ўн бир мингга яқин партия, уруш ва меҳнат ветеранлари бор. Уларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришнинг қайноқ жараёнларида фаоллик кўрсатишмоқда. Таълим-тарбия ва маданий муассаса жамоаларида ишлашяпти.

Район ветеранлар советининг ташкил этилиши ҳам айни муддао бўлди. Мана тўққиз ойдирки, Совет ўз ишини олиб бормоқда. Советнинг 45 аъзоси жойларда район Советлари ишини янада жонлантиришга актив ёрдам кўрсатмоқда. Маҳаллаларда, маданий-оқартув, таълим-тарбия соҳасида фаол иштирок этмоқда.

Ҳозир республикамизда пахта йиғим-терими мавсуми авж олган палла. Улкан хирмонга ҳисса қўшиш ҳамманинг бурчи. Буни яхши тушунган совет аъзолари аҳоли ўртасида катта ташвиқот ишларини олиб боришяпти. Ўзлари ўрнак кўрсатиб пахта далаларига йўл олишяпти. Шундайлар сафига Низомиддин Алимов, Ризамат Рўзиев, Рашид Аҳмедовларни киритиш мумкин. Куни-кеча районимиз маҳаллаларидан 200 дан ортиқ киши ветеран Низомиддин Алимов бошчилигида пахта далаларига жўнаб кетишди. Улар «Ҳаммамиз пахтакормиз», дея етиштирилган мўл пахта ҳосилини териб олишда дала гвардиячиларига яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Планга кўра, совет аъзолари ҳар ойнинг охирги пайшанба кунида район партия комитети биносида ўз йиғилишларини ўтказишади. Бунда асосан долзарб масалалар ҳал этилади. Меҳнаткашлардан советимиз номига келган хат ва шикоятлар ўрганиб чиқилади. Камчиликларни бартараф этиш йўллари белгиланади. Шунисн характерлики, район меҳнаткашлари дилдаги гапларни, етилган муаммоларни ҳал этишни ветеранлар советидан илтимос қилишади. Совет аъзоларига бўлган бу катта ишонч бизни янада руҳлантиряпти. Кўплаб хат ва шикоятларни ижобий ҳал этилишига ёрдам беряпти. Биргина мисол. Районимизда Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига хизмат қиладиган госпиталь ишлаб турибди. Унда бир йўла 520 киши даволанади. Яқинда ветеранлар совети адресига шу касалхона беморлари номидан шикоят тушди. Унда бу ерда ҳукм сураётган тартибсизликлар қайд этилган эди. Дарҳол советимиз аъзоси А. Тўхтаров бошчилигида комиссия ташкил этдик. Улар уч кун давомида госпиталда текширув ишларини олиб боришди. Натижада бу ерда тайёрланаётган таомлар сифати ёмонлиги, идиш-товоқлар эскирганлиги, беморларга бериладиган кийим-кечаклар яроқсиз ҳолга келганлиги аниқланди. Бунинг устига госпиталда врач ва ҳамшираларлар етишмайди. Керакли дори-дармонлар ҳамиша ҳам топилавермайди. Шу туфайли кўплаб беморлар азият чекишмоқда. Барча камчиликлар Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги эътиборига етказилди. Министрлик беморлар талабини қондириш мақсадида госпитал учун қўшимча 67 минг сўм пул ажратди.

Ишни жонли ва таъсирчан олиб бориш учун совет қошида бир неча комиссиялар ташкил этилган. Бу борада В. А. Орлов бошлиқ ташкилий методик комиссия, идеология ишлари бўйича шуғулланувчи комиссия, социал маиший хизмат кўрсатиш комиссиялари ишини санаб ўтиш кифоя.

Камчиликларимиз ҳам йўқ, эмас албатта. Баъзи шикоят хатлар ойлаб ҳал қилинмайди. Албатта бунинг объектив, субъектив томонлари бор. Масалан, бу хусусда ҳам бир мисол келтириш мумкин. Советимиз номига Себзор массивидаги Бобожонов, Чувалачи кўчалари аҳолисидан шикоят тушди. Хатда шу кўчаларни асфальтлаш ишлари ҳамон ҳал этилмаётганлиги баён этилган эди. Биз бу талабни мутасадди ташкилотлар эътиборига ҳавола этдик.

Бизда бир яхши анъана йўлга қўйилган. Бу партия, уруш ва меҳнат ветеранларининг ёшлар билан учрашувидир. Мактабларда ёки корхоналарда бўладиган бу мулоқотда ветеранлар ёшларга ўз бошларидан ўтган эсдалик воқеаларни сўзлаб беришади. Урушнинг оловли йилларини эслашади, меҳнатни қадрлаш, нонни эъзозлаш каби актуал масалалар ёшлар билан ўртоқлашилади. Мисол учун истеъфодаги генерал-лейтенант Собиржон Охунжонов билан районимиздаги 146 ва 22-мактабларда бўлиб ўтган учрашувларни айтиб ўтиш жоиздир. Янгича анъаналарни тарғиб қилишда ҳам ветеранларимиз ижобий роль ўйнашмоқда. Масалан, маҳаллаларда ўтаётган тўйларни ортиқча ҳаражатсиз, исрофгарчиликсиз ва ичкиликсиз ўтказиш, ёшларни тантанали равишда ҳарбий хизматга кузатиш масалалари ҳам ветеранлар эътиборидан четда қолмаяпти.

Районимиздаги мавжуд 56 маҳалланинг 32 тасида маҳалла ветеранлар совети иш олиб бораяпти. Уларнинг ёрдамида 30 маҳаллада бу йил «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллигига бағишланган кечалар ўтказилди. Бунда жуда кўплаб аёллар, маҳалла активлари иштирок этишди. Советимиз аъзолари ветеранларга маданий ва маънавий ёрдам борасида ҳам самарали тадбирларни амалга оширишмоқда.

Бўсағада Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олишдек муҳим вазифа турибди. Уйлаймизки, район ветеранлар совети бу хусусда ҳам ёшларга ибрат кўрсатиб байрамни ёруғ юз билан нишонлашади.

**Ҳ. ҲОШИМОВ,**
**Собир Раҳимов район уруш ва меҳнат ветеранлари советининг раиси.**






# Меъморчилик масканида



**Хушмуомала, доимо кулиб турувчи бу йигитни 1-автокомбинатда кўпчилик яхши танийди. А. Қўчқоров етти йилдан бери коллективда шофёр бўлиб меҳнат қилади. Унинг намунали хислатлари кўп. Ўзига нисбатан ҳам, ҳамкасбларига нисбатан ҳам талабчан, жамоатчилик ишларида актив қатнашади, софдил йигит.**

**А. Қўчқоровдаги техникага**

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини меҳнатда ва ижодий фаолиятда муносиб кутишлар билан кутиб олаётган Тошкент зонал уй-жой жамоат биноларини типовой ва экспериментал лойиҳалаш илмий-тадқиқот институтининг ижодий коллективи зиммасига олган социалистик мажбуриятни бажарди. Меъморчилик масканн коллективи биринчи бўлаяпти.

Ягона каталог бўйича 148 сериядаги тўққиз қаватли уйларнинг элементларидан 16 қаватли йирик панелли уйлар қурилишига киришилди. Бу бинодаги квартираларнинг бошқа конструктив системада қурилган осмонўпар уйлардаги квартираларга қараганда анча тежамли, уларнинг смета қиммати 45 процент арзонлашган, 2,5 марта пўлат кам сарфланган, меҳнат сарфи икки марта камайган.

1985 йилда Тошкентда ҳажмли блокли уйсозлик заводи ишга туширилиши билан уй-жой қурилишини янада индустрлаштириш омиллари очилди. Бу корхона маҳсулотлари туфайли қурилиш машаққати енгиллашмоқда, металлар кам сарфланмоқда. Институт ишлаб чиққан ечимлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳажмли блоклардан ётоқхоналар, меҳмонхоналар, 12, 16 ва ундан ортиқ қаватли уй-жой биноларини қуриш ҳам мумкин.

1990 йилгача Тошкент шаҳрида монолит уйсозлик кенг ривожланиши кўзда тутилмоқда. Бу даврга бориб 300 минг квадрат-метр ҳажмида бинолар қурилиши режаланган. Монолит уйсозлик ишларини ривожлантириш программасини амалда тадбиқ этиш мақсадида институтда «Монолит» комплекс бўлими тузилган. Унга монолит бетондан бунёд бўладиган биноларнинг қурилишини илмий-техника ва лойиҳа билан таъминлаш вазифаси топширилган. Ҳозирги пайтда биз 149 сериядаги бир, икки, тўрт ва тўққиз қаватли монолит уйларнинг лойиҳаларига эгамиз ва бундан ташқари 16 қаватли бинолар, микрорайонларни комплекс қурилиши учун оммавий жамоат бинолари лойиҳаларни ишлаб чиқишга киришдик.

Қишлоқ қурилиши учун эса ҳар хил тузилишда бўлган тупроқ-бетонли бир қаватли уй-жой бинолари конструкциялари техник ечимлари ишлаб чиқилди. Бундай уйларнинг бири Тошкент 1-паррандачилик фабрикаси уй-жой посёлкасида қурилиб ишга туширилди. У синовдан муваффақиятли ўтди ва фойдаланишга топширилди.

Уй-жой биноларида қайноқ сувга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида қуёш энергиясидан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Институт лойиҳаси асосида Ўрта Осиёда биринчи марта қурилган қуёш — иситиш системаси Тошкент областининг Наримонов шаҳридаги «Водник» микрорайонидаги қозонхонада ишлай бошлади.

**Ҳ. АСОМОВ,**
**Тошкент зонал уй-жой ва жамоат бинолари типовой ва экспериментал лойиҳалаш илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти директори.**

* * *

**СУРАТДА: институт архитекторларидан Э. Садатдинова ва У. Қорабоевлар иш устида.**

**М. Нуриддинов фотоси.**

# ЭЛ ХИЗМАТИДА

## Эски шаҳардаги уйлар бузиладими?

**Эски шаҳар... Бу сўзни ҳар бир тошкентлик билади. Ҳамшаҳарларимизнинг айтишига қараганда, Эски шаҳар эски бўлишидан қатъий назар, доимо файзли ва кўркамдир. Дарҳақиқат, шундай. Эски шаҳарнинг келажаги порлоқ. Унинг асосий қисми шаҳарнинг Собир Раҳимов районида жойлашган. Шунинг учун ҳам редакциямизга келаётган мактубларда бу ерда истиқомат қилувчилар Эски шаҳарнинг тақдири, келажаги хусусида сўрайдилар... Тарихий Сағбон, Форобий, Қорасарой, Ҳамза кўчалари атрофлари келажакда қандай бўлади деб сўрашади. Шу муносабат билан биз Собир Раҳимов район архитектори Мадаминжон Олимжонович РАСУЛОВга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.**

**— Шундай қилиб, сизга Эски шаҳарнинг тақдири нима бўлади, деган газетхонларнинг саволини бермоқчимиз...**

— Тўғри ва ўринли савол деб ўйлайман. Бизнинг, умуман районимизнинг олдида турган энг асосий вазифалардан бири — Эски шаҳарни қайта қуришдир, аниқроғи, уни реконструкция қилишдир. Келажакда Сағбон, Форобий, Қорасарой, Ҳамза кўчалари сақланиб қолинади. Бу кўчалар асосий трассалар бўлиб қолади. Ана шу кўчаларнинг юзидаги миллий меъморчилик услубида ишланган уйларни келгусида сақлаб қолиш кўзда тутилган. Бундай уйлар давлат томонидан, яъни Ўзбекистон ССР ёдгорликларни таъмирлаш илмий-тадқиқот институти томонидан 1, 2, ва 3-категорияларга бўлинган ҳолда ҳисобга олиб қўйилган. Шунингдек, мазкур кўчалардаги жамоатчилик бинолари ҳам қайта таъмирланади. Хасти Имом мадрасаси атрофлари ободонлаштирилиб, келажакда ана шу жойларда Қайковус, Шаҳристон микрорайонлари бунёд этилади. Ҳозир бўлажак микрорайонларнинг қурилиш лойиҳалари тайёрланаяпти. Ўн учинчи беш йилликда Эски шаҳарни реконструкция қилиш ишлари бошланади. Хасти Имом атрофида тарихий обидалар кўп. Уларнинг ҳаммасининг атрофлари очилиб, катта бир ёдгорликлар зонасига айлантирилади. Туристлар маршрутлари ташкил этилади.

**— Ана шу микрорайонларни яратишда маҳаллий иқлим ва миллий урф-одатлар ҳисобга олинганми! Асосан бу ерда қандай уйлар бунёд этилади!**

— Илгари, қадимда беш-олтита маҳалла бирлашган ҳолда уларнинг ягона гузари бўлган. Ана шу принциплар сақлаб қолинади. Микрорайонларни яратишда маҳаллий иқлим шароитлари, урф-одатлар, кўп болали оилалар ҳисобга олинган. Асосан бу жойларда кам қаватли ва шу билан бирга кўп хонали уйлар қурилади.

Мазлумки, қадимда шаҳарнинг ўн икки дарвозаси бўлган. Собир Раҳимов райони территориясида ҳам ана шу дарвозаларнинг бир нечтаси жойлашган. Масалан, Чиғатой дарвозаси атрофида кўп қаватли уйлар унга ҳамоҳанг қилиб уйғунлаштирилиб қурилади.

**— Ҳозирги ёпиқ бозор атрофлари қандай кўринишга эга бўлади!**

— Бозор территориясида биз ҳозир шартли равишда А—1 деб атаётган микрорайон қуриш мўлжалланган. Бу янги турар жой микрорайони Каллахона, Қизил Тут, Лангар маҳаллалари ўрнида қад кўтаради. Асосан бу ерда тўққиз, ўн олти қаватли уйлар қурилади. Албатта микрорайон комплекс равишда қурилади. Бу ерда боғча, мактаб, савдо комплекслари, маданий-маиший объектлар бўлади.

**— Кечирасиз, илгари турар жой бинолари қурилиб, маданий-маиший объектлар эсдан чиқариб қолиннарди. Улар қурилишнинг энг сўнггида, бу ҳам бўлса аҳолининг талаби билан баъзўр қурилярди. Эндиликда бу масала қандай ҳал этиляпти!**

— Қайта қуриш ва жадаллаштириш даврида бу нарсаларга барҳам берилмоқда. Тўғри, планлаштиришда хатоликларга йўл қўйилган. Мактаб, боғча, маданий-маиший объектлар қурилиши доимо орқага сурилаверган. Ҳозир бунга чек қўйиляпти. Шаҳарсозлик Советида ҳар бир микрорайон лойиҳаси кўриб чиқилади, барча объектлар мавжуд бўлгач, унга «оқ йўл» тилакдп.

**— Лекин мана Б—1 микрорайонини олайлик. Унинг қурилиши ўн йилдан бери чўзилиб келяпти. Бунга нима дейсиз!**

— Бу микрорайон қурилиши «Госкомводстрой», «Главсредазирсовхозстрой»га берилган. Бу ташкилотлар уни ўз отаиғига олганлар. Эски уйларни бузиб, ўрнида янги уйлар қурилиши керак. Лойиҳадаги ишларнинг атиги 50—60 процентн ўзлаштирилди, холос. Мана эндигина 160 ўринли боғча қурилди, холос. У комиссияга топширилиш арафасида турибди. Бу ерда 1268 ўринли типовой лойиҳадаги 33 синфли мактаб ислоҳоти талабларига жавоб берувчи мактаб қурилиши керак эди. Аммо бу ҳам саккиз йилдан бери чўзилиб келяпти. Яқинда бу ишга «ГлавАПУ» аралашди. Ниҳоят мактаб лойиҳаси тайёр бўлди. У планга киритиляпти.

**— Газетхонлардан бири Қуёш кўчасидаги уйлар бузилмайдими, деб сўраган.**

— Йўқ бузилмайди. Қуёш ва Оҳакчи кўчасидаги яшашга шарт-шароити бўлган уйлар ҳали бери бузилмайди.

**— Юқорида айтганимиздек, район территориясида янги қурилаётган микрорайонлар А—1, Б—1, Б—3 деб аталмоқда. Газетамиз буни танқид қилган эди. Наҳотки, уларни бошқа ном билан аташ мумкин бўлмаса!**

— Жуда тўғри. Биз ҳозирча уларни шартли равишда шундай атамоқдамиз. Шаҳар топонимик комиссиясига бу жойларни ўтмишдаги тарихий номлар билан аташни таклиф этиб бир қанча таклифларни берганмиз. Уйлаймизки, уларнинг номлари чиройли, гўзал номлар билан аталади. Ана шу ҳақда топонимик комиссия ўз тасдиғини бериши керак.

**— Одамлар Пушкин номли маданият ва истироҳат боғининг ҳозирги аҳволидан ташвишда...**

— Ҳақиқатан ҳам, кейинги пайтда боғ ўз кўркини йўқотди. Уни реконструкция қилиб кенгайтириш мўлжалланган. Унинг кўриниши цирк биносигача давом этади. Боғнинг бир бурчагида эса Ҳамза номли театрнинг янги биносини қуриш мўлжалланган. Ҳозир ана шу бинонинг лойиҳаси учун конкурс эълон қилинган.

**— Районда транспорт масаласи қандай ҳал этиляпти!**


— Маълумки, районимизга метро келяпти. Студентлар шаҳарчасига 8, 18-троллейбуслар маршрути келтирилди. Эндиликда 8-троллейбус маршрутини Олимпия массивигача чўзиш, 18-троллейбусни Тансиқбоев ва Қорақамиш массивларигача олиб бориш кўзда тутилган. Шунингдек, Октябрь, Акмал Икромов, Киров, Собир Раҳимов районларини бир-бири билан боғловчи троллейбус маршрути қурилиши ҳам давом этяпти. Ҳозир София проспекти бўйлаб троллейбус маршрути линиясининг лойиҳасини яратиш ишлари олиб бориляпти. Шунингдек, Шифокорлар шаҳарчасига битта автобус маршрутини очишни «Главташпассавтотранс» бошқармаси вақда қилган.

**Суҳбатни Т. ТОШЕВ олиб борди.**

**Сўраган эдингиз...**

**Табиатга эътибор—элга эътибор**

## Қадимий Кайковус ариғи...



**Инсон саломатлигини сақлашда шифокорларимиз сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Республика кўз касалликлари шифохонасида анв шундай фидокорлар ишлашади.**

**СУРАТДА: касалхонанинг 1-категорияли врачи Раҳимжон Усмонов бемор кўзини текширмоқда.**

**Р. Шарипов фотоси.**

Сув — ҳаёт манбаи. Зилол оби-ҳаёт оқиб турган ариқ-анҳорлар соҳилида табиат ўз гўзаллигини кўз-кўз этиб туради, бутун борлиқ яшнайди.

Тошкентда нима мўл дейилса, суви, сояси, боғ-роғлари, яшиллиги деймиз. Буларнинг ҳаммаси ҳаёт манбаи бўлмиш сувнинг шарофати туфайлидир. Тошкент шаҳримиз Тянь-Шань тоғлари этакларида, денгиз сатҳидан 440—480 метр баландликда жойлашган. У Чирчиқ дарёси водийсида кенг бағир ёзиб, шу дарё суви билан яшайди ва яшнайди. Чирчиқ дарёсидан чиқарилган ва бутун шаҳардан қулоч отиб ўтадиган Бўзсув, Салор, Анҳор, Қорасув, Оқкўрғон, Бўрижар, Оқтепа, Қорақамиш ва бошқа ўнлаб канал-ариқлар шаҳар микроиқлимига доим ижобий таъсир кўрсатиб туради.

Шаҳримизнинг Собир Раҳимов районидан асосан иккита — Қорақамиш ва Кайковус канал-ариқлари ўтган. Шу ўринда қадимий Кайковус ариғининг қисқача тарихига тўхталиб ўтамиз.

Кайковус ариғи Тошкентимизнинг «эски шаҳари» шимоли томонидан ўтган. Тарихнинг гувоҳлик беришича, бу ариқ VI — VII асрларда Бўзсув канали катталаштирилиб, ундан Кайковус ариғи чиқарилган, бу ариқ Қорақамиш жарлигига қадар етказилган. Ана шу ариқ туфайли обод бўлган территорияда IX асрдан эътиборан Бинкат шаҳри тараққий эта бошлаган.

Кайковус ариғидан оқадиган оби-ҳаёт ўз йўлида боғ-томорқаларни, ҳовли-жойларни, экинзор-далаларни сув билан таъминлайди. Аммо шундай қадимий ариқ кейинги пайтда анча қаровсиз қолгани ачинарлидир. Кайковус соҳилларида ахлатхоналар, чиқиндилар ташлаб қўйилганини кўрган ҳар бир кишининг дили ранжийди. Айниқса, Қўштутдаги кўприк ёнида бундай ахлатхона йил-ўн икки ой тўпланиб ётади. Кеч кузда ариқда сув тўхташи билан унинг ичига турли-туман ахлатлар ташланган, ариқ тўлиб қолгани маълум бўлади.

Бир неча йилларки, Кайковус ариғи тозаланмайди. саёзлашиб қолгани учун қайтадан қазилмайди. Шунинг учун ариқ этакларидан сув тошиб, кўчаларни босиб кетади.

Кайковус бўйлаб юрганимизда, дарахтлар синиб ариқ ичига тушиб ётганини соҳилларда дўнгликлар, яна ахлатлар ташланганининг гувоҳи бўлдик. Қанчалаб маҳаллалар, кўчалар ва далалардан ўтадиган бу ариқни анъанавий ҳашар — шанбаликлар ўтказиб тозалаш, соҳилларига мевали ва манзарали дарахтлар ўтказиш керак. Шу билан бирга, тарихий ёдгорлик сифатида Кайковус ариғи четларини бетонлаштириб, реконструкция қилиш айни муддао бўлур эди.

Қорақамиш каналининг ҳам аҳволи Кайковус ариғидан фарқ қилмайди. Бу ерларда қурилиш ишлари олиб борилганда канал соҳилларн ўйдим-чуқур қилиб ташланган. Баъзи корхона ва автобус паркларидан каналга чиқинди сувлар оқизилишига ҳам барҳам бериш керак.

Қорақамиш жарлари ахлатхонага айланганлиги ҳам ачинарли ҳолдир. 2-Қорақамишнинг 1-микрорайонидаги шаршаранинг тепа томонидаги ариқ кўмилиб, гаражга айлантирилди. Натижада гўзал манзара бериб турган шаршара ва кафе олдидаги ям-яшил жарлик ахлатхона бўлиб қолди. Бу ерда (Республика кўз касалликлари клиникаси орқасида)ги жарлик мутлақо қаровсиз ҳолда ётибди.

Она табиатнинг ҳар бир бўлагини асраш керак. Қорақамиш жарлигида дов-дарахтлар, чангалзорлар, булоқлар борки, буларни тартибга келтирилса аҳоли сайр этадиган, дам оладиган, мактаб ўқувчилари экскурсия қиладиган масканларга айланар эди.

Хулоса қилиб айтганда, Қорақамиш массиви Собир Раҳимов районидаги энг сўлим, яшил ва табиатнинг экзотикасига бой масканлардан биридир. Унинг канал, ариқ, кўл ва булоқларига, дам олиш сайргоҳларига, яшил майдонларига диққат-эътибор керак.

**Т. РАСУЛЕВ.**

# СТУДЕНТЛАР ШАҲАРЧАСИДА

**«Студентлар шаҳарчаси» деганда бенхтнёр кишининг кўнглида бир илиқлик пайдо бўлади. Тошкентдан олис қишлоққа борганингизда ёр-оғайнилар билан гурунг бўлаётган даврда ногаҳон кимдир, сизга нотаниш, бироқ истараси иссиқ ўрта ёшлардаги киши шундай савол беради: «Тошкентлар қалай? Вузгородок жойидами?» Сиз ялт этиб унга қарайсиз. Бу одамнинг бир пайтлар Тошкент университетида таълим олгани, студентлигидан кўп яхши хотиралар қолгани сал туриб маълум бўлади. У яна «Ётоқхоналар ҳали ҳам ўшаўшами?» деб сўрайди.**

Сизнинг бу одамга нисбатан бирдан меҳрингиз ошади, унинг саволларига самимий жавоб бера бошлайсиз. «Студентлар шаҳарчаси» бутунлай ўзгариб кетганини, борса танимай қолишн мумкинлигини айтасиз.

...«Студентлар шаҳарчаси», дарҳақиқат, бундан ўн-ўн беш йил бурун университетни битирган киши келса таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетган. Илгариги тўрт қаватли ётоқхоналар атрофида гўёки буталар тегрисида ўсган тераклар мисоли замонавий типдаги осмонўпар ётоқхоналар қад ростлади. Маиший хизмат кўрсатиш бўйича барча нуқталар мунтазам студентлар хизматида. Ошхоналар, гарчи овқатлари ҳали талаб даражасида бўлмаса-да, бор. Улар студентлар билан доимо гавжум. Маданий-оқартув техникуми, кино техникуми ҳам шу мавзеда жойлашган.

Бир кинотеатр, поликлиника, Маданият саройи ҳам бор. Улар студентларнинг, шунингдек шу атрофда яшайдиган аҳоли ҳожатини чиқариб турибди. Спорт майдончалари, почта бўлими, газета киоскаси, қулай бекатлар, магазинлар, транспорт масаласи... Хуллас, булар ҳаммаси бор гаплар.

Масаланинг моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак... Ётоқхоналар, айниқса, эски ётоқхоналар ташқи кўринишн чиройли бўлса-да, ичкариси ҳали анча эътиборга муҳтож. Душхоналар кўпинча ишламайди ёки ишласа ҳам иссиқ ёки совуқ сув бўлмайди. Яна кўпгина ётоқхоналарда буфет типидаги ошхоналар йўқ. Ваҳоланки бу студентлар учун ниҳоятда зарур. Айниқса, имтиҳонлар мавсумида бундай буфетлар жуда ҳам асқотади.

Яна бир масала: шаҳарчадан университет томонга боришда ўнг тарафда жойлашган боғ масаласи. Бу боғни бир пайтлар студентлар ўз ташаббуслари билан, яхшиният билан барпо қилишган эди. Ҳозир дорилфунунда студентларнинг янги авлоди таълим олмоқда. Бироқ боғ боғни эмас, балки ташландиқ бир чакалакзорни эслатади. Дарахтлар турли ёввойи ўт-ўланлар орасида ачинарли аҳволда ўсиб ётибди. Қарайдиган одам йўқ. Ҳолбуки ана шу боғни студентларнинг ажойиб хиёбонига айлантириш мумкин. Бу, албатта, бизнинг таклиф, буни университет комсомол комитети студентлар муҳокамасига ташласа, бизнингча яхши бир ташаббусга йўл очилган бўлур эди. Гапнинг индаллосини айтганда, бу — В. И. Ленин номидаги университетга элтувчи йўл ва бу йўлнинг икки тарафи ҳар томонлама кишининг ҳавасини келтирадиган даражада кўркам ва обод бўлмоғи керак.

**С. САЛОҲИДДИНОВ.**






# Нон музейига ярашади

Гўзал ва кўҳна Тошкентимиз қуёши, сўлим табиати, боғ-роғлари, зилол анҳор-кўллари, ажойиб кошоналари, турфа ноз-неъматлари, ҳикматона айтилган «Тошкент — нон шаҳри» деган таъриф-тавсифи билан шуҳрат қозонган. Шундай гўзал ва маданий истиқболга эришган шаҳримизда минглаб илмий муассасалар, кутубхоналар, музейлар бор. Тошкентимизда эндиликда «Нон музейи» очиш истаги ҳам туғилмоқда.

Нон—бебаҳо бойлигимиз. Унинг таърифига сўз мулки ҳам етишмайди. Зеро, ҳамшаҳарларимизнинг ҳар бири замонамиз фаровонлигини нон мўллигидан деб биладилар. Шунинг учун ҳам шаҳримизда «Нон музейи»ни ташкил этиш ҳақида республикамиз матбуотларида қўплаб истак ва таклифлар айтиб келинмоқда.

Хўш, шундай табаррук масканни — «Нон музейи»ни қаерда очиш мумкин? Маълумки, республикамизнинг кўпгина областлари Тошкентнинг 2000 йиллиги тўйига атаб (1983 йилда) объектлар қуриб бердилар. Хусусан, Фарғона области Собир Раҳимов районида қуриб берган «Фарғона» чойхонаси кўпчилигининг эътиборини тортиб келмоқда. Қурилиш ҳажми жиҳатидан салкам бир миллион сўмга тушган бу меъморий, муҳташам бино фарғоналикларнинг жуда улкан, беминнат туҳфаси бўлди. Қўқон ва Фарғонанинг қўли гул усталари томонидан қурилган нақшинкор бу обида архитектура услубининг миллий калоритга бойлиги, ўзига хос салобати, фарғонача бағри кенглик, теранлик ва қувноқликни мужассамлаштирганлиги билан ажралиб турибди. Ўтмиш билан бугунни боғловчи, ўймакор, ҳар бири асарга тенг устунларда, турфа ранг билан жилваланиб турган тоқили тўсинлару, ҳар безаги олам-олам маъно бахш этувчи кунгураларда олтин водий муҳити, сўлим табиати, жозибаси қатрада денгиз акс этганидек ифодасини топган. Бу улкан қасрни томоша қилган ҳар бир киши қўқонлик машҳур уста Ҳайдар ота Қодиров хотирасига ҳамда у камолга етказган ёш меъморларнинг санъати, маҳоратига таҳсинлар ўқимоқда. Халқимиз орасида шундай хассос безакчи усталар борлигидан ҳақли суратда фахрланишмоқда.

Қорақамиш массивида қад кўтарган бу бино ташқи кўринишидан ҳам жуда гўзал. У кафе-чойхонадан кўпроқ амалий-тасвирий санъат даргоҳини ёки энг гўзал санъат асарларини марказлаштирган улкан обидани эслатади.

«Фарғона» номини олган бу чойхона ўзининг дастлабки хизмати, иш услуби, хусусиятлари билан бошқа чойхоналардан кескин фарқ қилиши керак эди. Ана шу катта орзулар билан табиати саҳий, одамлари дилкаш, аскиябоз, пайровчи, ҳозиржавоб, саҳоватли, ширинсўз, юзларида доимо табассум балқиб турадиган фарғоналиклар — бу бинога меҳрларини ифода этган эдилар.

Афсуски, оқибат улар ўйлагандек бўлиб чиқмади. Ушбу масканнинг очилиши арафасида республика ва область матбуотларида «Олтин водий «Фарғона»си — «Кулги кошонаси бўлса» — деб номланган мақолада республикамизнинг бир қатор олимлари чиқишларига қарамасдан, бу масалага эътиборсизларча қаралиб, дастлаб кафе, сўнг ресторан этиб жиҳозланди. Булар ҳам кўнгилдагидек бўлиб чиқмади. Ҳар хил салбий ҳодисалар содир бўладиган жойга айланиб қолди. Ва ниҳоят, ҳозир эса «кафе-ошхона» сифатида хизмат этиб келмоқда.

Бизнинг назаримизда бу ажойиб тайёргина бинодан мақсадга мувофиқлаштирилган ҳолда фойдаланилса айни муддао бўлур эди: Бинони «Нон музейи» руҳида жиҳозлаш, унинг асосий залларида унут бўлиб кетаётган таомларни намойиш ва тановул этишни ташкил этиш, кичик хоналарига эса нон билан боғлиқ коллекцияларни қўйиш, унинг ёнида маҳсус нон тандирхонаси қуриш, машҳур нонвойларни областлардан вақти-вақти билан таклиф этиш, нонниинг ёпилиш жараёнини намойиш этиш кабилар амалга оширилса, бу кошонани маданий-амалий санъат дурдонаси сифатида намойиш этиш мақсадида туризм объектларидан бирига айлантирилса ҳамда нон мактаби сифатида тарғибот ишлари олиб борилса яхши бўлур эди.

**Б. АМИНОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институтининг катта илмий ходими, тарих фанларн кандидати, этнограф.**

# Боғлар ором маскани бўлсин

**Бу боғ дастлаб 1948 йилда ташкил этилган эди. Унинг Собир Раҳимов номи билан аталиши ҳам бежиз эмас. Чунки ўзбек генерали урушдан олдин ана шу территорияга яқин маҳаллалардан бирида яшаган эди.**

**Уша йили боғнинг довруғи таралди, айниқса оталар чойхонасига одам сиғмай кетди. Бу чойхонага нафақат тошкентликлар, балки республикамиздан, ҳатто чет эллардан тез-тез меҳмонлар ташриф буюрадиган бўлиб қолишди. Хуллас, боғ меҳнаткашларнинг энг севимли маданий даргоҳига айланди.**

**Кейинчи! Боғдан файз кетди. Дам олувчилар сони йил сайин камая борди. Энди бу ерга одамлар фақат чойхона ва ошхона хизматидан фойдаланиш учун келишадиган бўлишди. Баъзи кунлари эса чойхона ва ошхона ҳам ҳувиллаб қоладиган бўлди. Нега!**

**Агар бу савол театр хизматчиларига бериладиган бўлса, шубҳасиз улар дарҳол телевизорни баҳона қилишади. Хўш, боғ маъмурияти ва унга мутасадди бўлган ташкилотларчи! Очиғини айтганда, уларнинг ўзларн ҳам бу ҳақда аниқ бир фикр айтишдан ожиздирлар. Турли баҳоналар рўкач қилинадию, лекин унинг сабаблари очиб берилмайди. Баъзи тахминчилар шу яқин атрофдаги эски хонадонларнинг бузилганн ва шу сабабли сайлгоҳчилар сони камайганини айтишади. Афсус, бу баҳона кишини қаноатлантирса олмайди. Ахир эски маҳаллалар ўрнида янги, кўп қаватли уйлар қурилди. Уларда ҳозир юзлаб, минглаб кишилар истиқомат қилишмоқда.**

**Тўғри, боғда маданий-оммавий ишларни кучайтириш учун бир неча бор унинг директори ўзгартирилди. Улар олдига катта талаблар қўйилди. Ишни жонлантириб юбориш тадбирлари белгиланди. Лекин амалий ёрдамга келганда эса чинакам жонкуярлик қилинмади. Натижа ўша, эски тос, эски ҳаммомлигича қолаверди.**

**Ўтган йили бу даргоҳга С. Муҳаммадиев директор этиб тайинланди. Янги директор елиб-югуриб бу ерда ободончилик ва маданий-ташкилий ишларни бироз жонлантиришга эришди. 8,5 гектардан иборат территорияни эгаллаган боғнинг теварак-атрофи темир панжаралар билан ўралди. Тўгараклар иши юришиб кетди. Янги аттракционлар ишга тушди. Ободончиликкка эътибор кучайди. Боғ мунтазам супирнб-сидирилади, ахлатлардан тозаланадиган бўлди. Лекин директорнинг бир ўзи яккалик қилиб қолди. Уни ён атрофдан қўллаб-қувватлаб юборадиган кишилар топилмади. Шунинг учун ҳам планда белгиланган ибратли ишларнинг жуда кўпи бажарилмай қолди.**

**— Бизда ҳал этилиши лозим бўлган муҳим бир муаммо бор, — дейди С. Муҳаммадиев. «Янги ҳаёт» маҳалласи боғ ёнида жойлашган. Шундай бир катта маҳалла учун ҳамон машина йўли йўқ. Маҳаллага келадиган барча транспортлар қатнови бизнинг боғдан ўтади. Шу сабабли кечакундуз боғ дарвозасини беркитолмаймиз. Бунинг устига машиналар изидан кўтариладиган чанг ва тўзонларни айтмайсизми. Маҳалла учун сув устидан торгина кўприк ўтган. Агар ўша кўприк кенгайтирилиб маҳаллага қатновчи машиналар ўз йўлини ўзгартирмас экан, биз чанг ва тўзондан қутулолмаймиз.**

**Боғдаги яна бир муаммолардан бирн бу ерда суғорнш қурилмаларнинг йўқлигидир. Шу сабабли ҳар йили ўтказиладиган чимлар ва нов-ариқлар сувсизликдан қурнмоқда. Машина билан келтириладиган сув эса уларни тўла таъминлай олмаяпти. Шуни ҳисобга олиб боғ маъмурняти керакли ташкилотлар билан маслаҳатлашиб, бу йил боғда суғорнш қурилмаларнни ўрнатиш ишлари бошлаб юборилди.**

**Хуллас, боғда оммавий-маданий ишлар олиб борилаяпти. Турли тўгараклар ишлаб турибди. Аттракционлар болалар хизматида. Ойлик ва йиллик планлар бажарилаяпти. Бир қараганда ҳамма иш жойидадек кўрннади. Лекин бариббир нимадир етишмаяпти. Боғда негадир файзсизлик ҳукм сурмоқда.**

**Энди Абдулла Набиев боғи ҳақида икки оғиз сўз. У ташкил қилинган йиллар шу яқин атрофдаги маҳаллалар аҳолиси жуда хурсанд бўлган эди. Чунки уларнинг узоғи яқин бўлганди. Энди дам олиш учун ўзларидан узоқда жойлашган марказдаги боғларга эмас, балки шундоққина ёнларида жойлашган маҳалла боғига чиқсалар кифоя эди. Афсус бу қувонч узоққа чўзилмади. Боғ ўзини оқламади. Кейин у пионерлар уйига айлантирилди. Ҳозир бу ерда қирқдан ортиқ педколлектив ёшларга турли соҳалар бўйича таълим-тарбия бермоқда. Авиамодель ва наққошлик тўгаракларида 90 дан ортиқ ўқувчи қатнашмоқда. Бу албатта пионерлар уйида олиб борилаётган ибратли ишлардир. Лекин бизни бир нарса ташвишга солди. У ҳам бўлса бу болалар масканн теварак-атрофининг нфлослигидир. Биз бу ерга коммунистик шанбаликдан сўнг икки кун ўтгач келдик. Шундай экан, тасаввуримизда пионерлар уйи коллектнви ва унинг қатнашчилари катта шанбалик ўтказиб бу ерни «ёт тушса ялагудек», қилиб қўйишлари керак эди. Афсуски бу ҳолни кўрмадик. Боғ ичкарнси қаровсиз. Худди эгаси кўчиб кетган хонадондек ҳувиллаб ётибди. Чекка-чекка-ларда ҳазонлар уюми, латта-путталар. Абдулла Набиев ҳайкалнининг орқа томонига анчадан бери одам қадамн етмагандек.**

**Эрталаб соат 11 ларда пионерлар уйида уч-тўрт ўқнтувчидан ўзга кимса йўқ эди. Директор Т. Норбоева ва ободонлаштириш ишлари билан шуғулланувчи М. Орифжоновлар қабққадир кетишган экан.**

**Ташқарига чиқиб ўйланиб қолдим. Нега одамларнинг севимли масканн бўлган боғлар бунчалик файзсиз бўлиб қолди! Умуман боғларимизнинг олдинги шуҳрати тикланармикан! Бунинг учун нима қилмоқ керак!**

**М. КОМИЛЖОНОВ.**

# ФАРЗАНД КАМОЛИ



Ажабланарли, бироқ ҳақиқат. Беруний майдони қиёфаси ўзгариб кетди. 9 қаватли турар жой бинолари бунёд этилиб уларда кўплаб оилалар яшамоқда. Бу ерга кўчиб келган оилалар орасида ёш оналар, ишга кириб бирор корхонага ишга жойлашиш иштиёқида юрган келинларни учратамиз. Сабаби битта. Ў ҳам бўлса болалар боғчаси. Тўғри, бу массивда 140 ўринли идорага қарашли болалар маскани бор. Шу майдон атрофидаги уйларда яшайдиганларнинг жажжи ўғил ва қизлари бу ерга кира олмайди.

Балки Собир Раҳимов районидаги бошқа кварталларда уларга атаб боғча бунёд этилаётган бўлса керак, деб ўйларсиз. Ундай эмас. Яқинда Себзор массивида кичкинтойлар ихтиёрига топширилган 320 ўринли 190-болалар боғчаси шу беш йиллик мобайнида қурилди. Лекин бу болалар боғчаси ҳозирги талабни қондира олмайди. Ваҳоланки, Себзор микрорайонида бир минг 500 ўғил ва қиз навбат кутмоқда. Район бўйнча эса бир ойда 510 — 590 фарзанд туғилмоқда. Шундай бўлганидан сўнг...

Биз район халқ маорифи бўлими ҳужжатларида навбат кутаётганлар сони билан қизиқдик.

1987 йил 1 октябргача 5386 бола навбат кутмоқда. Себзорда ишга туширилган 320 ўринли болалар боғчасидан яна 18 таси зарурлиги кўриниб турибди. Бироқ эҳтиёж ортиб борган сари болалар боғчалари қурилишини йўлга қўйиш ҳам йил сайин мураккаблашмоқда. Бунинг асосий сабаби, шаҳар ижроия комитетининг болалар боғчаларини қуриш бўйича белгиланган қарорлари баъзи бир ташкилотларнинг айби билан бажарилмаётганлигидир.

Фактларга мурожаат қилайлик: Тошкент шаҳрида мактабгача бўлган болалар муассасалари 637 та бўлиб, уларда 157 минг бола тарбияланмоқда.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки райондаги 19 та болалар боғчаси эски бир қаватли биноларга жойлашган. Шароит йўқ, биноларда ҳоналар кўмир билан иситилади. Шунинг учун мазкур боғчаларга болалар уч ёшдан қабул қилинади. 1987 йилда 3680 ўринли 10 та болалар боғчаси фойдаланишга топширилиши керак эди. Бугунги кунгача атиги 1520 ўринли 4 та болалар боғчаси фойдаланишга топширилди.

Ҳозирги пайтда Собир Раҳимов районида 56 та болалар маскани бўлиб, уларда 15 минг ўғил ва қиз тарбияланмоқда. 5386 жажжи ўғил ва қиз ойижонисининг оёқ-қўлини ушлаб турибди.

**Д. ОБЛАЕВ.**

* * *

**СУРАТДА: 190-болалар боғчасн тарбнячнси Г. Маҳсудова спектакль кўрсатишга тайёргарлнк кўряпти.**

**Р. Шарипов фотоси.**

# МУВОЗАНАТ КЕРАК

## Ранжитган бўлсак узр

Шифокорлар шаҳарчасидаги маиший хизмат кўрсатиш уйининг пойабзаллар ремонти устахонасига кирнб келганимизда ҳамма ёқ жим-жит, на мижозларнинг ғала-ғовури, на ҳожатбарор устаннг «так-тук»ни эшитмлардн. Хонада икки киши каттакон чойнакни айлантириб, бафуржа гурунглашардн.

— Ассаломуалайкум, усталар!

— Келинг... келинг, йигит!— дея олдига фартук боғлаган, хушсурат уста мулозамат қилдн:

— Шу, бир ботинкамиз ремонтлаш бўлиб қолибди.

— Қани кўрайликчи...

Уста пойабзалимнн қўлида айлантирнб, у ёқ-бу ёгини кўздан кечирди-да, ўн минутга қолмай созлаб беришнни айтдн. Ўзимда йўқ севиниб кетдим. Ахир, севинмай бўладими?..

Студентлар шаҳарчасининг Чимбой кўчаси бўйида жойлашган 510-пойабзаллар ремонти устахонасидан одам аримайдн. Қачон қараманг, кичкина дўконча мижозлар тирбанд. Асабларни, сабр-тоқатларни синаб навбат кутишади, ё бўлмаса эрта-индин келиб олиб кетишнни айтиб қолдириб кетишади. Ишларнинг бундай юқорн суръатидан усталар Г. Махсумов ва Г. Алишаевлар жуда мамнун. 860 сўм миқдоридагн белгиланган план ойма-ой юз фоиз бажарилаётир.

Медиклар шаҳарчасидаги 518-устахонада эса аҳвол тамоман бошқача. Устахонада тўрт киши хизмат кўрсатишади. Ойлик план 1260 сўм.

— Устахонамизнинг нобоп ерда жойлашганлигн, яъни серқатнов ва гавжум транспорт йўлларидан узоқлигн ишимизга салбий таъсир этмоқда, — дейди 518-устахонанинг пойабзал созловчилар бригадаси бошлиғи Аброр Исроилов.

ТошМИ студентларининг 5-ётоқхонаси биринчи қаватида маиший хизмат кўрсатиш уйи бўлиб, унинг иккита хонасини 518-устахона банд этган. Хоналарнинг бири 18, иккинчиси 38 квадрат-метр ҳажмидадир. Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, устахона учун бундай хоналарга зарурат йўқ.

— Мижозларнинг эҳтиёжини тўлароқ қондириш, уларнинг вақтини, асабларини аяш мақсадида ўзимизча баъзи чоралар кўришга урнндик, — дейди уста Михаил Каневский — Жумладан, маиший хизмат кўрсатиш бошқармасидаги ўртоқларга автобусларнинг «Шифокорлар шаҳарчаси» бекатида устахонамизга филнал очиб беришларини сўрадик. Бу таклиф маъқулланди-ю, лекин филнал очиш учун кетадиган сарф-харажат ўз ҳисобимиздан бўлишини айтдилар. Биз иккиланиб қолдик. Қайси ҳисобимиздан маблағ ажратамиз?

Энди Студентлар шаҳарчасидаги 510-устахонанинг «юқори сурътиғга бир назар ташлайлик. Аввал айтиб ўтганимдек, «ўз ишидан мамнун» усталар кичкинагина дўконча қизғин фаолият кўрсатишади. Аксига олиб, бу ерда устахона хизматига бўлган эҳтиёж катта. Ётоқхоналардаги студентлар сони ҳам «Шифокорлар шаҳарчаси»дагидан бир неча марта кўп. Бунинг устига, серқатнов кўча, гавжум аҳоли нуқталари...

— Бизни мақташингизнинг ҳеч ҳожати йўқ. Ҳамма нарса етарли. Мижозларга астойдил хизмат қиляпмиз, — дейди пойабзал созловчи уста Г. Алишаев.

Мамнуният изҳор қилаётган устанинг мақтовдан ҳам қўрқишидан ҳайрон қоласан киши. Бу «Бизни тинч қўй. Иссиқ ўрнимизни шамоллатма» дегани эмасмикан? Ахир, серқатнов Чимбой кўчасидай мижозларнинг узлуксиз оқимидан келиб тушадиган фойдани яна арра қилиш кимга фойда? Сабр-тоқатла, астойдил навбат кутадиган мижозларнинг қимматли соатларини йўқотаётгани билан бу усталарнинг неча пуллик иши бор?

Хулоса шуки, шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасидаги мутасадди ўртоқлар юқорида қаламга олинган устахоналар фаолиятини тарозунинг икки палласига қўйаслару, бу паллаларни мувозанатга келтириб, хизмат кўрсатиш соҳасидаги мавжуд нуқсонларни бартараф этсалар айни муддао бўларди.

**А. ПОЁНОВ,**
**Тошкент Давлат университети журналистика факультетн студенти.**

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.


# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР
ОМОНАТ КАССАЛАРИГА

**ГУЛИСТОН ШАҲРИДА 1987 ЙИЛ 9 ОКТЯБРДА БЎЛИБ ЎТГАН ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН**

**90-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ**

**РАСМИЙ ЖАДВАЛИ**

**Ўзбекистон ССРнинг барча омонат кассаларидаги ютуқли омонатлар бўйича қуйидаги счёт номерларига ютуқлар чиқди.**

| Счет номерлари | ютуқ миқдори (омонатнинг ўртача суммасига процент ҳисобида) |
|---|---|
| А-034 | 25 |
| А-079 | 25 |
| А-091 | 100 |
| А-140 | 25 |
| А-169 | 25 |
| А-229 | 25 |
| А-256 | 100 |
| А-287 | 25 |
| А324 | 25 |
| А-365 | 25 |
| А-405 | 25 |
| А-451 | 25 |
| А-488 | 25 |
| А-533 | 25 |
| А-578 | 200 |
| А-626 | 25 |
| А-664 | 25 |
| А-706 | 25 |
| А-736 | 50 |
| А-782 | 50 |
| А-835 | 25 |
| А-851 | 25 |
| А-886 | 25 |
| А-935 | 25 |
| А-990 | 25 |

Счет сонлари мингдан ортиқ бўлган омонат кассаларида кейинги барча рақамли сонлардаги ўша счёт номерлари ҳам ютди, масалан №-А-1034, 2034 ва ҳоказолар, шунингдек А-1079, 2079, 3079 ва ҳоказолар, А.1140, 2140, 3140 ва ҳоказолар

**Тираж комиссиясининг раиси —П. Я. КРОХМАЛЬ.**

**Масъул секретарь —М. Х. ЙЎЛДОШЕВА.**

**ГУЛИСТОН ШАҲРИДА 1987 ЙИЛ 9 ОКТЯБРДА БЎЛИБ ЎТГАН ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН**

**8-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ**

**РАСМИЙ ЖАДВАЛИ**

**Ўзбекистон ССРнинг барча омонат кассаларидаги пул-буюм ютуқли омонат кассалари бўйича қуйидаги счет номерларига ютуқлар чиқди.**

| Счет номерлари | ютуқ миқдори (омонатнинг ўртача суммасига процент ҳисобида) |
|---|---|
| В-004 | 25 |
| В-074 | 25 |
| В-095 | 25 |
| В-159 | 25 |
| В-171 | 25 |
| В-214 | 25 |
| В-254 | 25 |
| В-305 | 25 |
| В-340 | 200 |
| В-366 | 25 |
| В-402 | 100 |
| В-446 | 25 |
| В-506 | 25 |
| В-555 | 25 |
| В-582 | 25 |
| В-617 | 25 |
| В-664 | 25 |
| В-715 | 50 |
| В-725 | 25 |
| В-797 | 25 |
| В-811 | 25 |
| В-847 | 100 |
| В-886 | 25 |
| В-958 | 25 |
| В-984 | 50 |

Счет сонлари 1000 дан ортиқ бўлган омонат кассаларида кейинги барча минг рақамли сонлардаги ўша счет номерлари ҳам ютди, масалан №№ В-1004, 2004, 3004 ва ҳоказолар, шунингдек, В-1074, 2074, 3074 ва ҳоказолар, В-1095, 2095, 3095 ва ҳоказолар.

**Тираж комиссиясининг раиси — П. Я. КРОХМАЛЬ.**

**Масъул секретарь — М. Х. ЙЎЛДОШЕВА.**

# Макулатура топширувчи гражданлар диққатига!

**АБОНЕМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛАДИГАН КУНЛАРИ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА А. ЛАДИНСКИЙНИНГ «В дни Каракаллы» КИТОБИГА АБОНЕМЕНТЛАР БЕРИЛАДИ.**

**23 октябрда ҳар бир қабул пунктида 50 тадан;**

**24, 25 октябрда 200 тадан абонемент тарқатилади.**

А. Ладинскийнинг «В дни Каракаллы» китобига абонементлар фақат бир вақтнинг ўзида 10 килограммдан кам бўлмаган миқдорда макулатура топширилгандан кейин берилади. Абонемент унда кўрсатилган китобларни 20 килограмм макулатура топширгандан сўнг харид қилиш кафолатини беради.

Маркалар учун макулатуралар қабул қилиш абонемент кўрсатилгандан кейингина амалга оширилади.

Абонементлар жума куни соат 18.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 9.00 дан бошлаб тарқатилади.

Бошқа кунлари макулатуралар абонементлар учун маркалар тўла комплектини тўлдириш учун ҳамда макулатура ва иккиламчи хом ашёларга 52-01 прейскурант харид нархларига кўра ҳақ тўлаш учун чекланмаган миқдорда қабул қилинади: 1 килограмм топширилган макулатура учун — 2 тийин, топширилган 1 килогрмм жун ва ярим жун латта-путталар учун — 16 тийин ва топширилган 1 килограмм ип-газлама латта-путталари, канопқоплар учун 6 тийин ҳақ тўланади.

Улуғ Ватан Уруши инвалидлари ва қатнашчиларига навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг 1981 йил 4 июндаги 354-Р сон қарорига асосан Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчилари учун ҳар бир қабул пунктида тарқатиладиган абонементлар умумий ҳажмининг 20 процентн миқдорида абонементлар бериш нормаси белгиланган.

Макулатуралар уларнинг турига қараб: газета, китоб-журнал, рўзғор картони ва ўров қоғозлари тарзида алоҳида-алоҳида дасталаб боғланган ҳолда гражданларнинг қаерда-яшаб туришларидан қатъий назар навбатга туриш тартиби билан қабул қилинади.

# Ҳурматли ўртоқлар!

Макулатура ва иккилазичи тўқимачилик материалларини қабул пункт-магазинларига фаол равишда топшириш абонементларга бериладиган адабиётларнинг китоб савдоси тармоқларига тезроқ келиб тушишига имкон беради.

**Справкалар учун телефон 48-04-93.**

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЪМИРЛОВ КОРХОНАСИ.

«ПАХТАКОР»
МАРКАЗИЙ
СТАДИОНИДА

**24 ОКТЯБРЬ СОАТ 16.00 ДА**

**СССР 50-чемпионати**

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ЛОКОМОТИВ» (Москва)

**командалари ўртасида**

# ФУТБОЛ

**Билетлар сотилмоқда.**

25-ўрта ҳунар-техника билим юрти томонидан **Гулямов Миролимжон Мирабдуллаевич** номига берилган 46-4942 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

**Театр**

НАВОИЙ НОМИДАГИ ...БЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИЯ КАТТА ТЕАТРИДА — ... **Чио-Чио-Сан**, 25/X да ... **Василиса** (12.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТЕАТРИДА — 23/X да ... лн тунлар, 24/X да ... 25/X да **Тақдир эшиги**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ...БЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛ... АТРИДА — 24/X да ... **ошиқ**, 25/X да **Ака-ука** ... лар.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ... ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИ... 23/X да **«Вестсайд-87. ... Майсаранинг** ишк... **Эльфалик** меҳмон.

**Кино**

23 ОКТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

**ВЛКСМ 30 йиллиги** — «КИГА ДАККИ» (17, 20.00).

**Чайка** — «ОТАХОНЛАР» (тоқ соатларда).

**С. Раҳимов номли** — «ЛЯЦИЯ» (жуфт соатларда).

**Восток** — «КУЛОГ» (жуфт соатларда).

**Дружба** — «ГРАФ МОНТ КРИСТО» (17, 20.30).

**Тинчлик** — «СЕВГИ СИ... ЛАРИ» (тоқ соатларда).

**Ҳамза номли** — «ЗО... (16, 18.30, 21.00).

**Лнсунов номли** — «КУ... РАШУВГА ШОШИЛМ... (17.00);

«ЧАНГДА ҚОЛГАН ГУЛ» 20.00).

**Искра** — «ШЕРЛОК ХОЛ... XX АСРДА» (жуфт соатл...

**Тошкент Советининг Ле... лнги** — «ОСКАР» (16, 18, 21.30).

**Ватан** — «ГРАФ МОНТ... КРИСТО» (18, 21.00).

**Нукус** — «ГАР ЕНГ... БЎЛМАСАНГ» (18.30, 20...

**Москва** — «ШЕРИФ ... ЛИ ТЕРГОВЧИ» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

**Қозоғнстон** — «ҚУ... ЗАР» (18.00); «ЧАККИГА ... КИ» (16, 19, 20.00).

24 ОКТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

**ВЛКСМ 30 йиллиги** — КИГА ДАККИ» (17, 20.0...

**Чайка** — «ОТАХОН... (тоқ соатларда).

**F. Ғулом номли** — «... ТАК» (20.00).

**С Раҳимов номли** — РАКТЕРИСТИКА (жуфт ... ларда).

**Восток** — «КУЛОГ» (жуфт соатларда).

**Дружба** — «ГРАФ МОН... КРИСТО» (17, 20.30).

**Тинчлик** — «СЕВГИ СИ... ЛАРИ» (тоқ соатларда).

**Ҳамза номли** — «ЗО... (16, 18.30, 21.00).

**Лнсунов номли** — «КУ... РАШУВГА ШОШИЛМ... (17.00);

«ЧАНГДА ҚОЛГАН ГУЛ» 20.00).

**Искра** — «ШЕРЛОК ХОЛ... XX АСРДА» (жуфт соатл...

**Тошкент Советининг Ле... лнги** — «ОСКАР» (16, 18, 21.30).

**Ватан** — «ГРАФ МОНТ... КРИСТО» (18, 21.00).

**Нукус** — «ГАР ЕНГ... БЎЛМАСАНГ» (18.30, 20...

**Москва** — «ШЕРИФ ... ЛИ ТЕРГОВЧИ» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

**Қозоғнстон** — «ҚУ... ЗАР» (18.00), «ЧАККИГА ... КИ» (16, 19, 20.00).

**АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР:**

**Санъат саройи** — 44-21-34, 44-21-74.

**Ватан** — 74-30-38.

**Чайка** — 77-06-20.

**Москва** — 33-05-01.

**Тошкент Советининг Ле... лиги** — 78-47-25.

**Восток** — 91-14-61.

**Лисунов номли** — ... ВЛКСМ 30 йиллиги — 44-52.

**Дружба** — 67-96-87.

**Кинолаштирнш бошқ...** 33-37-11.

**Цирк**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИР... ДА — Чехословакиянинг ... га» цирки артистларнинг ... лашув гастроллари (23.0... 19.00 да; 24/X да 16, 19... 25/X да 12, 15, 18.00 да).

Ташкент давлат медицина институти ректорати, ... тия ва касаба союз ташкилотлари тери касалликлари кафедраси мудири, профессор У. М. Мирахмедова анаси

**Абдулла МИРАҲМЕДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Акмал Икромов ... ошхоналар трести ... тивн 6-ошхона директори А. Н. Муҳамедова ...

**Нигмон МУҲАМЕДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этнлади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмушн ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-54-... шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиш — 32-... фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик бнлсн — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ... — 33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42. 32-53-... «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 09108.

Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ишни саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим).

Б. 2493. Тираж — 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10